



**ИНХА НАЧНЁТ
ВЫПУСКАТЬ
СПЕЦИАЛИСТОВ
ПО КИБЕР-
БЕЗОПАСНОСТИ**

5-бет.



**“ЭНГ НУРЛИ”
СМАРТФОНЛАР
АНИҚЛАНДИ**

6-бет.



UNICON.UZ
да
КИТОБ
ЯРМАРКАСИ

8-бет.



ict.xabar.uz

Gazeta 1992-yil martdan chiqqa boshlagan

Xabar

ERUR SEN SHOH, AGAR OGOHSEN SEN,
AGAR OGOHSEN SEN, SHOHSEN SEN.

15 (1541)-son
15-aprel
2022

@xabaruzofficial
 @xabaruzofficial
 facebook.com/xabar.uz/

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI AXBOROT TEXNOLOGIYALARI VA KOMMUNIKATSIYALARINI RIVOJLANTIRISH VAZIRLIGI NASHRI

www.xabar.uz

FOUNDATION ДАСТУРИ МАЛАКАЛИ IT-МУТАХАССИСЛАР ТАЙЁРЛАЙДИ

Ахборот технологиялари соҳасида малакали мутахассислар тайёрлаш ва келажақда IT-экспорт хизматларини йўлга қўйиш мақсадида Жиззах вилоятида ишлар тизимли равишда амалга оширилмоқда.

Хусусан, IT-Парк ва Халқ таълими бошқармаси билан ҳамкорликда вилоят ёшлари учун Foundation дастурига старт берилди. Ушбу дастурда вилоят ёшлари информатикага кириш ва дастурлаш бўйича мутахассислик фанлари, чуқурлаштирилган инглиз тили курслари ҳамда ташкилий жараёнлар билан яқиндан танишадилар.

Эслатиб ўтамиз, ушбу курсларни муваффақиятли битирган ёшлар IT-Паркда онлайн ўқиш имкониятини қўлга киритади.



UZNET Фойдаланувчилари ИШЛАТАЁТГАН АМАЛИЙ ТИЗИМЛАР

1. Android – 73,7 фоиз
2. Windows – 17,9 фоиз
3. iOS – 6,6 фоиз
4. Бошқалар – 1,8 фоиз



Манба: www.uz

КРЕДИТ-МОДУЛ ТИЗИМИ

Талабанинг ўз устида кўпроқ ишлашига замин яратади



Хар томонлама чуқур билимли, иқтидорли ёшларни тарбиялаб етказишда ўқув даргоҳларини қай даражада такомиллашгани муҳим аҳамият касб этади.

Мамлакатимизда олий таълим муассасалари ўқув тизимини такомиллаштириш ва ривожлантириш борасида жуда кўплаб ишлар қилинди ва қилинмоқда. Таълим тизимида Кредит-модул ўқув тизими жорий этилгани ҳам фикримиз далилидир. ОТМларда Кредит тизими Президентнинг 2018 йил 19 февралдаги 5349-сонли “Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармонида мувофиқ татбиқ қилинган.

EdTech Hub Bukhara дастури ғолиблари тақдирланди

Жорий йилнинг 8 апрел куни IT-Парк томонидан EdTech Hub Bukhara инкубация ва акселерация дастурининг ғолибларини тақдирлаш маросими бўлиб ўтди. Унда дастурнинг барча битирувчилари, IT-Парkning стартап экотизимларини ривожлантириш бўлими ва акселерация бўйича мутахассислари ҳамда Бухоро филиали ходимлари иштирок этишди.

Инкубация ва акселерация дастури – АКТ вазирлиги томонидан IT-Парк ва IT-марказлар билан биргаликда яратилган ва ишга туширилган EdTech Hub Bukhara лойиҳасининг учта компонентидан бири.

Лойиҳа учта йирик компонентдан иборат эди: иккита таълим ва битта инкубация ва акселерация дастури.

Дастур натижаларига кўра, “Ақлли иссиқхона” лойиҳаси 1-ўринни (30 миллион сўм), Lemix лойиҳаси 2-ўринни (15 миллион сўм) эгаллади.

“Ақлли иссиқхона” – бу сўғоришни масофадан бошқариш, ҳароратни кузатиш ва барқарор ўсиш учун қулай шароитларни сақлаш имконини берувчи иссиқхона тизимларини автоматлаштириш ва мониторинг қилиш лойиҳаси. Бундан ташқари, тизим сув ва энергия каби ресурсларни тежайди.

Lemix – бу CRM ва LMS воси-

таларини ўз ичига олган ўқув марказини бошқариш тизими. Қолаверса, у талабалар, молиявий ҳисоботларни юритиш ҳамда асосий кўрсаткичларни таҳлил қилиш имконини беради.

Эслатиб ўтамиз, инкубация ва акселерация дастури иштирокчилари бепул ўқитиш ва эксперт кўмагидан ташқари, ўз лойиҳаларини ишлаб чиқиш учун 45 миллион сўм мукофот жамғармаси учун курашиш имкониятига эга бўлдилар.

EdTech Hub инкубация ва акселерация дастурига жами 77та лойиҳа ариза топширган, улардан саккизтаси кейинги ривожланиш дастурига танлаб олинди.



Жумадан жумагача

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 6 апрел куни қурилиш лойиҳалари тақдимоти билан танишди.

Президент Шавкат Мирзиёев раислигида 7 апрел куни ички йўللарни яхшилаш, “Яшил макон” умуммиллий лойиҳаси доирасида кўчатлар экиш, давлат хизматлари кўрсатишни соддалаштириш масалалари ижроси бўйича видеоселектор йиғилиши ўтказилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 8 апрел куни Қирғиз Республикаси Президенти Садир Жапаров билан телефон орқали мулоқот қилди. Мулоқот давомида асосий эътибор ўзаро манфаатли ҳамкорликнинг устувор йўналишларини илгари суришга, шу жумладан, Ўзбекистон-Қирғизистон тараққиёт жамғармаси фаолиятини бошлаш, Қамбарот 1-гидроэлектр станцияси ва “Хитой-Қирғизистон-Ўзбекистон” темир йўлини қуриш бўйича инфратузилмавий лойиҳаларни жадаллаштириш, саноат кооперациясини кенгайтиришга қаратилди. Минтақавий кун тартибининг долзарб масалалари юзасидан фикр алмашилди.

Президент Шавкат Мирзиёев 8 апрел куни Тошкент шаҳри Олмазор туманида олиб борилаётган бунёдкорлик ва маҳаллаларни ободонлаштириш ишлари билан танишди. Давлатимиз раҳбари бошқа объектлар қатори тумандаги 102-сонли заиф эшитувчи болалар учун ихтисослаштирилган мактаб-интернатни бориб кўрди. Ушбу мактаб-интернатда юртимиздаги шундай ижтимоий муассасалардаги шароитларни яхшилаш бўйича видеоселектор йиғилиши ўтказилди. Унда маҳаллаларни озода ва яшил маконга айлантириш, маданий-маърифий тадбирларни кўпайтириш вазифалари ҳам белгиланди.

Давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев 11 апрел куни транспорт ва коммунал соҳалардаги лойиҳалар тақдимоти билан танишди. Мамлакатимиз аэропортларини 2035 йилга қадар ривожлантириш стратегияси ишлаб чиқилган. Тақдимотда ушбу стратегияни 2026 йилгача амалга ошириш дастури ҳам муҳокама қилинди.

Президент Шавкат Мирзиёев 12 апрел куни фармацевтика тармогини ривожлантириш масалалари бўйича йиғилиш ўтказди. Унда ушбу тармоқда бошланган ишлар, лойиҳалар ҳолати танқидий таҳлил қилинди.

Матбуотда Ўзбекистон Республикаси Президенти имзолаган “Ш.Жўраевни “Эл-юрт хурмати” ордени билан мукофотлаш тўғрисида”ги фармон эълон қилинди.



Шерзод ШЕРМАТОВ ХОРИЖЛИК ДЕЛЕГАЦИЯНИ ҚАБУЛ ҚИЛДИ

Кеча, 14 апрел куни Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазири Шерзод Шерматов Бангладешдаги Америка Халқаро университети Васийлик кенгаши раиси Доктор Ҳасанул А.Ҳасан билан учрашди.

Вазирлик ходимлари ва халқаро университетдан иборат делегация иштирок этган ушбу учрашувда Ўзбекистонда таълим соҳасининг ривожланиши билан танишиш, шунингдек, ҳамкорлик имконият-

лари муҳокама қилинди.

Таъкидлаш керакки, Америка Халқаро университети – Бангладеш (American International University – Bangladesh (AIUB) 1994 йилда Дакка шаҳрида ташкил этилган.

Университетда тўртта факултет ва 16та халқаро аккредитациядан ўтган дастурлар мавжуд бўлиб, бугунги кунда 9500дан ортиқ талаба таҳсил олмақда. Талабаларга 350 нафар маҳаллий ва хорижий профессор-ўқитувчилар дарс беради.

Учрашув давомида таълим ва ахборот технологиялари соҳаларида икки томонлама лойиҳа ҳамда истиқболли чора-тадбирлар, шунингдек, АКТ соҳаси учун малакали кадрлар тайёрлаш, илгор лойиҳаларни амалга ошириш масалаларига эътибор қаратилди.

АКТ ВАЗИРЛИГИ НАМАНГАНДА САЙЁР ҚАБУЛ ЎТКАЗДИ



Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги раҳбарияти томонидан Наманган шаҳрида аҳоли вакиллари учун сайёр қабул ўтказилди. Унда 200га яқин фуқаролар иштирок этди.

Сайёр қабулда фуқаролар томонидан телекоммуникация хизматлари, хусусан, телефон ва почта алоқаси, мобил алоқа, интернет хизматлари сифати, IT йўналишларда ўзларини қийнаётган аниқ муаммо ва масалалар кўтарилди ҳамда ахборот-коммуникация технологиялари хиз-

матлари сифатини ошириш бўйича таклифлар ўртага ташланди.

Соҳа ташкилот ва корхоналари томонидан кўрсатилаётган телефон, интернет, почта алоқаси, мобил алоқа, интернет хизматлари сифати ҳамда IT йўналиши бўйича тушган мурожаатлар жойида ҳал қилинди.

Ўрганиш талаб қилинган мурожаатлар назоратга олинди.

Сайёр қабулда иштирок этган аҳоли вакиллари бу каби халқ қабулларини мунтазам ўтказиш икки томонлама алоқа мустақамлиги, соҳа ривожига хизмат қилишини таъкидлашди.

Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги соҳа тизимидаги масъул шахсларга мазкур сайёр қабулда кўтарилган барча муаммо ва масалаларни ҳал этиш бўйича топшириқлар берди.

КРЕДИТ-МОДУЛ ТИЗИМИ

«Талабанинг ўз устида кўпроқ ишлашига замин яратади»

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 24 июлдаги “Муҳаммад ал-Хоразмий номидаги Тошкент ахборот технологиялари университетининг кадрлар тайёрлаш тизимини тубдан такомиллаштириш ва самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги 569-сонли қарори ишлаб чиқилди. Қарорга мувофиқ, ТАТУ ва унинг филиалларида 2018-2019-ўқув йилидан бошлаб ахборот технологиялари ва коммуникациялари соҳасида кадрлар тайёрлаш бўйича ўқитишнинг кредит тизими жорий этилди.



Кредит тизими ҳар томонлама етук ва халқаро майдонда рақобатлаша оладиган олий тоифали мутахассисларни тайёрлаш ҳамда умумжаҳон олийгоҳлар рейтингларида юқори погоналарни эгаллашга имкон беради. Талабаларга баъзи мавзуларни ва ихтиёрий фанларни танлаш имконини беради. Бу тизимнинг энг оммалашган шакли ECTS (European credits) ва Semester credit hours (SCH) and quarter credits (American credits)дир. Таълим даври мобайнида талабалар ҳар бир фандан алоҳида кредитларни тўплайди, бунинг учун ўқув курсларини муваффақиятли тамомлаш керак бўлади. Ҳар бир фан кредити мутахассисликка қараб белгила-

нади. Талабалар бир семестрда 30 кредит, яъни бир ўқув йили мобайнида 60 кредит балл тўплаши керак. Бу тизимда ҳеч бир талаба таълим муассасасидан четлаштирилмайди ёки курсдан курсга қолиб кетмайди. Кредит баллини тўплай олмаслиги мумкин, холос. Шундай бўлган тақдирда кредит маблағини тўлаб, кредит балларини қайта тўплагандан кейин яна ўқишни давом эттиради. Мустақил таълимда талабалар кредит балл ярмини тўплайди, қолган ярмини эса дарс давомида, оралик ва жорий назоратда тўплаши керак. Кўриб турганингиздек, бу тизим талабалардан кўпроқ мустақил ўқиб-ўрганишни, ўз устида тинимсиз ишлашни, билимини

доимий ошириб боришни тақозо этади.

2030 йилгача кредит-модул тизимига юртимиздаги ОТМларнинг 85 фоизи ўтиши режалаштирилган. Агар кредит-модул тизими тўғри ва тўлиқ жорий этилса, у мамлакатимиз олий таълим тизимига жуда катта ижобий хусусиятларни олиб киришни кутиш мумкин. Жумладан, мамлакатимиз олий таълим тизимига таълимнинг жаҳон тан олган мукамал ўлчов бирлигининг олиб кирилишига, ОТМлар ўқув дастурларида мувозанат ва меъёр пайдо бўлишига, ОТМларда ўқиш жараёнининг шаффофлашишига, ўқув дастурлари иқтисодиёт, меҳнат бозори ва талабалар эҳтиёжлари

асосида шаклланишига, дарсларнинг сифати яхшиланишига ва ниҳоят ҳар бир талаба маълум маънода ўзининг мустақил ўқув дастурига эга бўлишига хизмат қилади.

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, мазкур тизимнинг олий таълимга жорий қилиниши ўқитиш сифатини ошириш, шаффофликни таъминлаш, коррупцияга барҳам бериш, талабанинг ҳақиқий билимини юзга чиқариш, мустақил ўқиб-ўрганиб, ўз устида кўпроқ ишлашига замин яратади.

Одинахон РАЙИМЖОНОВА,
ТАТУ Фаргона филиали доценти,
Моҳигул АҚБАРОВА,
филиал талабаси

Касаба уюшмаларида

ИЖТИМОЙ ШЕРИКЛИК ЯНАДА МУСТАҲКАМЛАНДИ

Мамлакатимизда янгиланиш жараёни ва ижтимоий тараққиёт давом этмоқда, халқимизнинг турмуш шароити, дунёқараши, ҳуқуқий маданияти ва савияси ўзгариб, фуқаролик фаоллиги тобора ошиб бораётган.

2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини босқичма-босқич ҳаётга изчил татбиқ этишда барча бўғиндаги касаба уюшмаси ташкилотлари иш берувчилар билан ҳамкорликда муайян ишларни амалга оширди.

Ўзбекистон Республикаси ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги билан Ўзбекистон ахборот технологиялари ва оммавий коммуникация ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгаши ўртасида Тармоқ, Тариф келишувлари ва Жамоа шартномалари орқали меҳнат муносабатларини тартибга солиш механизмининг янада ривожлантириш мақсадида ҳар йили ўзаро ҳамкорлик ва ижтимоий шериклик бўйича қўшма тадбирлар режаси қабул қилинади ва бажарилиши таъминланади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти фармони билан “Ҳаракатлар стратегиясидан - Тараққиёт стратегияси сари” тамойили асосида ишлаб чиқилган 2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбе-

кистоннинг тараққиёт стратегияси ва уни Инсон қадрини улуғлаш ва фаол маҳалла йилида амалга оширишга оид давлат дастури тасдиқланган эди. Шунинг асосида, Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги тизимидаги корхона ва ташкилотларда ходимларни ижтимоий-иқтисодий манфаатлари ҳамда меҳнат муҳофазаси талабларига риоя этилиши ҳолатини ўрганиш мақсадида вазирлик билан Республика кенгаши Ижроия қўмитасининг 2022 йил 24 январдаги қўшма буйруқ-қарорига асосан ишчи гуруҳи таркиби тасдиқланди.

Ишчи гуруҳи ва Республика кенгаши масъул ходимлари томонидан Андижон, Тошкент, Самарқанд, Қашқадарё, Навоий ҳамда Хоразм вилоятларида фаолият юритаётган корхона ва филиалларда, шунингдек, уларнинг туманлардаги таркибий бўлинмаларида ходимлар меҳнат шартнолари масаласи таҳлилий-танқидий жиҳатдан ўрганиб чиқилди.

Ўрганиш жараёнида ходимлар билан ишлаб бўлими, меҳнат муҳофазаси бўйича масъул ходимларига, шунингдек, касаба

уюшмаси қўмитаси аъзоларига айрим қонун ҳужжатларига киритилган қўшимча ва ўзгартиришлар ҳамда ходимларга тегишли бўлган буйруқларни меъёрий ҳужжатлар асосида расмийлаштириш борасида амалий ёрдам кўрсатилди.

Ушбу ишларни тизимли ва янада самарали олиб бориш мақсадида 2022 йил 18 март куни АКТ вазирлиги билан Республика кенгаши ўртасида янги шаклда еттига устувор йўналишнинг амалга ошириш борасида 30та тадбирдан иборат “2022 йилга мўлжалланган ўзаро ҳамкорлик ва ижтимоий шериклик бўйича қўшма тадбирлар режаси” тасдиқланди.

Қўшма тадбирлар режасида белгиланган тадбирларни бажарилиши юзасидан мониторинг олиб бориш ва қуйидаги асосий устувор йўналишларни амалга ошириш режалаштирилган:

- Ижтимоий-меҳнат соҳасидаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини тайёрлаш ва қонун ҳужжатларини такомиллаштириш, уларга риоя этилиши устидан жамоатчилик назоратини ташкил қилиш, аҳолининг ҳуқуқий саводхонлигини оширишда касаба уюшмаларининг фаол иштирокини таъминлаш, соҳага оид ички (локал) ҳужжатларни амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқлаштириш;
- “Миллий тикланишдан -

миллий юксалиш сари” ғоясини аҳоли ўртасида кенг тарғиб қилишда иш берувчилар ҳамда касаба уюшма ташкилотларининг изчил ва тизимли фаолиятини ташкил этиш, аҳоли турли тоифаларини қўллаб-қувватлаш;

- “Инсон қадрини улуғлаш ва фаол маҳалла йили Давлат дастури”нинг ҳаётга татбиқ этилишида фаол иштирок этиш;

- замонавий технологияларни ва инновацион ғояларни жорий этиш орқали барқарор янги иш ўринларини ташкил этиш, соҳага тааллуқли университет ва техникумлар битирувчиларини ишга жойлаштириш ва қўнимлиги борасида мониторинг олиб бориш;

- касаба уюшмаси аъзоларининг маънавиятини юксалтириш, уларни оммавий тарзда jisмоний тарбия ва спортга жалб қилиш, ички ва ташқи туризмни ривожлантириш, ходимлар ва уларнинг оила аъзоларини соғломлаштириш.

Барча касаба уюшмаси аъзоларини 2022 йилга белгиланган устувор вазифаларни бажарилишида фаол иштирок этишларини тилаб қоламиз.

Юнус ГАПУРОВ,
Ўзбекистон ахборот технологиялари ва оммавий коммуникация ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгаши бош мутахассиси



КЕЛАЖАК МАКТАБИ 2

Ўқувчиларни танқидий фикрлашга, бир-бирини ҳурмат қилишга ва ижодкор бўлишга ўргатиш учун қулай муҳит

Тараққий топган давлатларда мактаб таълимида ҳам мисли қўрилмаган янгиликларга қўл урилмоқда. Замонавий технологиялар, энг сўнгги ноу-хауларни таълим тизимига татбиқ этиш орқали ўз милли фарзандлари тафаккури, зеҳниятини чархланиш, шу орқали илм-фанда доим етакчи бўлиш мақсади йўлида тинмай изланилапти. Буларнинг барчаси келажак мактабларида амалга ошириляпти.

Газетамизнинг 25-февралдаги 8-сонида “Келажак мактаби” сарлавҳали мақолада шу мавзуда фикр юритгандик. Мавзу жуда кенг бўлгани боис уни ҳар қанча давом эттириш мумкин. Бу борада саволлар ҳам бисёр. Хўш, мактабларда янги технологиялар ҳукмрон бўладиган кейинги 10 йил ичида таълим қандай ўзгаради? Мелбурндаги (Австралия) Жон Монаш университетининг педагогика факултети футурист¹-мутахассиси Нил Селвин ўз башоратлари билан ўртоқлашади.

Виртуал ҳақиқат синфлари

Нил Селвиннинг сўзларига кўра, келажакда ўрганиш тўдирилган реаллик ёрдамида амалга оширилади ва янада кенг қамровли бўлади, чунки мактаблар ўқувчиларни тарихдаги воқеаларга том маънода сингдира олади. Ўқитувчилар 3D ёки 5D форматда XIV асрдаги француз саройини визуал равишда намойиш этишлари ёхуд синфни бўлажак жаррохлар учун ҳақиқий офис (операция хонаси)га айлантиришлари мумкин.

Тез орада жисмоний муҳит рақамли муҳит билан ўзаро ҳамкорликни бошлайди. Ўқитувчилар болаларни “рақамли” ўрмонларга олиб бориб, у ерда табиат ва ҳайвонлар ҳақида маълумот олишлари мумкин бўлади, болалар шунчаки планшетни дарахтга йўналтириб, уни сканерлашни ва тузилишини билиб олишади.

“Ақли” таблеткалар

Келажакда болалар ақл ва хотирасини яхшилаш учун эргалаб витаминлар каби когнитив дориларни қабул қилишлари мумкин. Ушбу таблеткалар уларни имтиҳонларга узоқ вақт тайёр-

гарлик кўришдан халос қилади. Хўш, бу қанчалик тез орада содир бўлади?

“Фармацевтика технологиялари ривожланмоқда, шу билан бирга бундай “ақли дори-дармонлар” дан фойдаланишнинг маданий-ахлоқий меъёрлари бўйича баҳслар мавжуд”, – дейди профессор Селвин.

Хотира учун қаттиқ диск

Ҳозирча бу фантастика соҳасига тегишли бўлса-да, лекин фантаст ёзувчилар ёзган нарсаларнинг аксарияти эртами-кечми амалга ошади... Буни реал ҳаётимизда кўп кузатишимиз. Селвиннинг айтишича, қачондир биз бошимизга махсус қаттиқ дискни бириктиришимиз ва хотира ҳажмини ошириш учун унга маълумот юклашимиз мумкин бўлади.

Тактил технологияси

Борган сари, стажёрлар ҳақиқий эмас, балки тактил рақамли танада ўрганадилар ва стоматологлар тишларни манекенларда даволашади. Тактил қайта алоқа технологияси одамларга синов ва хатолар орқали ўрганиш ва тезроқ машқ қилиш имконини беради.

Мактабларда болалар биологияни кўпроқ ўрганиш учун рақамли қурбачани “операция” қилиб кўришлари мумкин.

Хайр, дарсликми?

“Ўн йил ичида синфларда дарсликлар қолмайди, – дейди профессор Селвин. – Бунинг ўрнига уч ўлчамли дижиталлар пайдо бўлади. Бироқ, эски китобларнинг барчаси кутубхоналарда сақланади”.

Болаларни турли усулларда, масалан, NAPLAN (Австралия стандартлаштирилган тест тизими) ёрдамида баҳолаш ва билимларини синовдан ўтказишда жуда кескин ўзгаришлар бўлади.

Робот-ўқитувчилар ва виртуал дарслар

“Ўқитувчилар асосий мутахассислар бўлиб қолаверади ва мактаблар мавжуд бўлишда давом этади, – деб таҳмин қилмоқда Селвин. – Шунга қарамай,

бугунги кунда Япония ва Жанубий Кореядаги мактабларда сиз аллақачон ўқувчилар ва ўқитувчиларга сеvimли бўлиб қолган ҳақиқий робот Sayани учратишингиз мумкин”.

Рақамли инфратузилма ривожланиб бориши билан мактабларда онлайн дарслар пайдо бўлади, дарс соатлари қисқаради.

Мобил модулли мактаблар

2014 йилда Канберрада ноодатий MODUPOD модулли мактаб очилди. Ҳайриоддий бино Duffy бошланғич мактабига тегишли бўлиб, мактаб эҳтиёжларига қараб Lego блоклари сингари қўшилиши ёки олиб ташланиши мумкин бўлган турли биноларни ўз ичига олади. Бутун мактабни бир неча ҳафта ичида транспорт орқали бошқа жойга ташиш ва ишга тушириш мумкин, бу янги мактаб қуриш ва лойиҳалашдан анча арзон.

“Ўқувчилар кичик гуруҳларда ишлашлари ва эътиборларини ўз олдига қўйган вазифага қаратишлари мумкин бўлган турли ижтимоий соҳалар ва бўшлиқлар мавжуд”, – дейди лойиҳа муаллифи, NBRS + PARTNERS архитектори Эндрю Даффин.

Унинг сўзларига кўра, гоё мақсади мактабни билим олиш учун қулайроқ қилиш ва ўқувчиларни танқидий фикрлашга, бир-бирини ҳурмат қилишга ва ижодкор бўлишга ўргатиш учун қулай муҳит яратишдир. Кичик гуруҳларда ҳамкорликда иштирок этиш орқали ўқувчилар ўзларининг мулоқот қобилиятларини такомиллаштиридилар ва фаолроқ ривожландилар.

Имо-ишора интерфейсларидан фойдаланиш

Болалар имо-ишоралар ёрдамида компютер буйруқларини тақлид қилишга имкон берадиган матнга асосланган қурилмалардан тобора кўпроқ фойдаланмоқда. Тез орада клавиатурадан фойдаланиш зарурати умуман йўқолиши мумкин ва унинг ўрнини рақамли электрон қаламлар эгаллайди.

1. Футурист – футуризм (лотинча futurum – келажак) сўздан олинган бўлиб, барча соҳаларда янги ижодкорликни яратиб билан шуғулланувчи мутахассис. Улар келажак – санаот, технология, юқори тезлик ва ҳаёт суратишнинг яқинлашиб келаётган даврини кўра оладилар.

Шахсийлаштирилган технология

Болалар ўзларининг планшетлари ва смартфонларини синфга олиб келишлари мумкин бўлса, улар маълумот тезроқ ва шахсийлаштирилган ҳолда киришлари мумкин. “Аммо, агар ўқувчиларга фақат ўзлари хоҳлаган нарсани ўрганишга руҳсат берилса, улар кўп нарсаларни ўтказиб юборишлари хавфи бор”, – қўшимча қилади профессор Селвин.

Институционал технология

Тез орада видеокузатув, кўздан таниб олиш технологияларидан фойдаланиш ва ҳатто болаларнинг микрочиллари ҳозиргидек янгилик бўлмай қолади. Ахир, мактаблар болалар хавфсизлиги чораларини кучайтириш ниятида.

Келгуси ўзгаришларга қандай муносабатда бўлишимиз керак?

Селвиннинг сўзларига кўра, олимларнинг фикрича, яқин 10 йил ичида содир бўлиши керак деб ўйлаган нарсаларнинг аксарияти 50 йилдан кейин рўй бериши ҳам мумкин. Мактаблардаги янги технологиялар атрофида ҳар доим шов-шувлар жуда кўп бўлади, аммо биз ҳали ҳам одатий столлар, доскалар ва ўқитувчиларни кўраимиз. Эҳтимол, ўзгаришлар у қадар глобал бўлмас...

“Мактаблардаги технологияларни, масалан, мактабларда овқатланиш муаммосига жиддий ёндашган таниқли инглиз ошпази Жейми Оливер сингари муҳокама қилишимиз керак. Барчамиз келажак мактабларида технологияга бўлган эҳтиёж ҳақида ўйлашимиз, шунингдек, инновацияларнинг ахлоқий томонига эътибор қаратишимиз керак”, – дея қўшимча қилади профессор Селвин.

Сумонжон Йўлдошев тайёрлади

Шерзод ШЕРМАТОВ ПРОКОММЕНТИРОВАЛ ТЕНДЕНЦИЮ РЕЛОКАЦИИ ИТ-СПЕЦИАЛИСТОВ В УЗБЕКИСТАН



«Сегодня увидел репортаж в Euronews про релокацию ИТ-специалистов в Узбекистан. Не без иронии, но освещает реальную тенденцию релокации специалистов в Узбекистан. В основном это работники крупных компаний как EPAM, Exadel, ItechArt, iTransition и т.д.

Надеюсь этот репортаж будет полезен и для других ИТ-специалистов, готовых к переезду. Более подробно о программе релокации: itvisa.uz

Также наши компании, которым нужны специалисты могут подписаться на канал IT-Market, где в последнее время очень много резюме специалистов, которые готовы к переезду из других стран: itmarket_uz», – прокомментировал на своем канале министр ИКТ Шерзод Шерматов.

ИНХА НАЧНЁТ ВЫПУСКАТЬ СПЕЦИАЛИСТОВ ПО КИБЕРБЕЗОПАСНОСТИ



В Университете ИНХА в Ташкенте начала свою работу лаборатория кибербезопасности. В церемонии открытия приняли решение частоте руководители и сотрудники университета, а также директор ГУП «Центр кибербезопасности».

На базе данной лаборатории будут осуществляться инициативы по обучению студентов и подготовке специалистов по кибербезопасности, организации практических занятий по кибербезопасности, организации курсов путем привлечения партнёров.

В ходе мероприятия были определены задачи по развитию информационно-коммуникационных технологий, в частности, создание необходимых условий по обучению знаниями и навыками студентов

вуза, организация дополнительного образования и другие.

В ходе визита был подписан договор о сотрудничестве между Университетом ИНХА в Ташкенте и ГУП «Центр кибербезопасности».

СТОИМОСТЬ МОБИЛЬНОГО ИНТЕРНЕТ-ТРАФИКА СНИЗИЛАСЬ БОЛЕЕ ЧЕМ В 2 РАЗА



Мобильный интернет в Узбекистане резко стал доступнее для граждан, следует из отчёта Международного союза связи.

Средняя стоимость тарифа с пакетом в 2 ГБ трафика в 2021 году снизилась до 1% от валового национального продукта на душу населения. За год показатель доступности мобильный интернет более чем в 2 раза.

Узбекистан стал одним из 4 государств, где цена пакета за год упала ниже 2% от ВВП на душу населения. Это целевой уровень доступности, установленный Комиссией по широкополосной связи при ООН.

В целом по миру интернет стал дороже, отмечается в докладе. Так, тариф мобильного интернета поднялся в цене с 1,7% до 1,9% ВВП на

душу населения, домашнего интернета — с 2,9% до 3,5%.

Доступность интернета резко отличается в зависимости от уровня доходов населения. Если в странах с высокими доходами цифра составляет 0,5% для мобильного и 1,3% для домашнего интернета, то для стран с низкими доходами — 3% и 6,3%.

В странах СНГ связь заметно дешевле, чем по миру в целом. Так, на мобильный интернет-пакет житель СНГ тратит в среднем 1,1% от подушевого ВВП (против 1,9% в мире), на домашний интернет — 2,1% (против 3,5%).

К КОНЦУ 2023 ГОДА В МОБИЛЬНОМ ПРИЛОЖЕНИИ ЕПИГУ БУДЕТ 250 УСЛУГ

Шавкат Мирзиёев провёл совещание по актуальным вопросам на повестке дня, сообщил пресс-секретарь президента Шерзод Асадов.


Среди прочих тем затрагивалось упрощение оказания государственных услуг и расширение их масштаба. Участники рассмотрели изменения на местах, осуществляемые посредством цифровизации системы госуслуг.

Для более удобного доступа населения к госуслугам с 1 июля вступит в силу ряд изменений:

- для 38 видов услуг — согласования изменений в фасаде здания, приём детей в детский сад и т. д. - отменяется требование ЭЦП, вместо этого потребуются мобильный телефон.
- отменяют обязательный порядок получения ещё 6 видов лицензий;
- будет внедрена система электронного оповещения для 8 видов услуг — как для населения, так и для бизнеса;
- отменяется истребование 32 видов документов и справок в организациях ЖКХ;
- дети из малообеспеченных семей будут освобождены от взноса в 135 000 сумов для участия во вступительных испытаниях в вузы.

Глава государства поручил до конца 2023 года увеличить количество услуг, оказываемых через Центры госуслуг, до 300 (сейчас — 172). Число услуг, доступных в мобильном приложении ЕПИГУ, будет увеличено в 4 раза — с 60 до 250.

Кроме того, Мирзиёев поручил завершить строительство центров госуслуг во всех районах и городах к 1 сентября. Сейчас 43 здания центров не готовы к эксплуатации — это создаёт неудобства населению, отметил он.



ПЕРВЫЙ СМАРТФОН С СУПЕР-БЫСТРОЙ 150-ВТ ЗАРЯДКОЙ СТАЛ ДОСТУПЕН ДЛЯ ПРЕДЗАКАЗА

Пару недель назад состоялся анонс нового недорогого смартфона Realme с рядом интересных фишек — Realme GT Neo 3. И вот, устройство наконец-то стало доступно для покупки.

В основу девайса лёг чип Dimensity 8100. При этом цена за минимальную версию аппарата (6/128 ГБ) в 315 долларов делает его самым дешёвым смартфоном на базе данного процессора.

Также ключевой особенностью аппарата стала рекордная сверхбыстрая зарядка на 150 Вт.

Из прочего можно отметить приятный 6,7-дюймовый OLED-дисплей с разрешением FullHD+ и частотой обновления экрана 120 Гц. Работает устройство под управлением Android 12 прямо из коробки.

Также Realme GT Neo 3 получил тройную основную камеру (50, 8 и 2 Мп) и 16 Мп фронтальную камеру.

НА ANDROID ПОЯВИЛСЯ ВИРУС, ПЕРЕХВАТЫВАЮЩИЙ ТЕЛЕФОННЫЕ ЗВОНКИ

Специалисты компании «Лаборатории Касперского» рассказали о появлении «говорящего» вируса-трояня, который называли так за то, что вредоносное ПО перехватывает звонок клиента в поддержку банка и связывается с хакерами.



Как отмечается, вирус имитирует банковское приложение, выдавая подставные номера за телефон банковской службы поддержки. При звонке подставляется ложный экран набора номера, а операторы-мошенники выдают себя за сотрудников финансовой организации.

Чтобы не стать жертвой злоумышленников, эксперты «Лаборатории Касперского» порекомендовали скачивать приложения банков только из официальных источников и никогда не сообщать никакую важную финансовую и персональную информацию по телефону.



ЖОСУСЛИК ДАСТУРИ ЕВРОПАЛИК АМАЛДОРЛАРНИ КУЗАТГАН

2021 йили Европа Иттифоқининг бир қатор юқори мартабали мулозимлари Исроилнинг NSO Group фирмаси томонидан ишлаб чиқарилган жосуслик дастури орқали кузатилган. Бу ҳақда Reuters агентлиги суриштирувларида сўз боради.


Ноқонуний равишда кузатувга олинган арбоблар орасида Европа Иттифоқининг адлия ва қонун устуворлиги бўйича комиссари Дидье Рейндерс ҳам бор. Жосуслик дастури, шунингдек, Европа комиссиясининг камида 4 нафар юқори мартабали мулозими қурилмаси аниқланган.

Амалдорларнинг смартфонлари жосуслик дастури йўлангани Apple корпорацияси огоҳлантиришидан кейин маълум бўлган. Европалик амалдорлар фаолияти қайси давлат ёки ташкилот томонидан ноқонуний равишда кузатилгани очиқланмаган.

2021 йил июл ойида эълон қилинган журналист суриштирувида NSO Group фирмасининг Pegasus дастури Осиё ва Африкадаги бир қатор давлатлар махсус хизмати томонидан муҳолиф сиёсатчилар, журналистлар ва инсон ҳуқуқлари фаолларига қарши айбқоччилик мақсадида ишлатилгани маълум қилинган эди.

РОССИЯ 22 АВГУСТДА ОЙГА ПАРВОЗНИ АМАЛГА ОШИРМОҚЧИ

Иттифоқ тарқанидан сўнг Россияда Ойга илк парвоз шу йилнинг 22 августидан амалга ошади. Лавочкин номидаги илмий-ишлаб чиқариш бирлашмасининг электр тизимлари бўйича бош директор ўринбосари Александр Митькин матбуот анжуманида шундай деди:



“18 июл куни Шарқий (Восточный) космодромга жўнаймиз ва 22 августда Ойга учамиз”.

Унинг айтишича, “Луна-25” миссиясининг бортига одам олмаган космик кемаси “Шарқий” космодромдан учиради. Бу ав-

томат станция, унинг воситасида Ойнинг жанубий кутбидан юмшоқ қўниш амалга оширилиб, контактли тадқиқотлар ўтказилади.

Иккинчи миссия — “Луна-26” 2024 йилда Ойнинг картографиясини яратиш учун учиради. Грунтни тадқиқ қилувчи “Луна-27” эса 2028 йилда парвоз қилади.

“ЭНГ НУРЛИ” СМАРТФОНЛАР АНИҚЛАНДИ

Bankless Times электромагнит нурларини энг кўп таратадиган смартфонлар рўйхатини тузди.

SAR (Specific Absorption Rate, электромагнит нурларининг ютилиш коэффициенти) даражаси 1,79 Вт/кг га тенг Motorola Edge смартфонни — ушбу рўйхат етакчиси. Яъни бу телефон АҚШ федерал алоқа комиссияси тавсия қилган максимум (1,6 Вт/кг)дан ҳам кўп нурланиш чиқаради.

Рўйхатга кирган қолган смартфонлар ҳам андроидда ишлайди, бироқ улар тавсия этилган лимит “ичида”.

Нур таратиш хавфлилиги бўйича иккинчи смартфон — бешинчи авлод тармоқларида ишловчи ZTE Axon 11 (Хитой), учинчи ўринда — “маънан эскирган” OnePlus 6T.

Баъзилар хавфли ҳисобловчи электромагнит нурларини тарқатувчи смартфонлар орасида учта гуглофон бор: Pixel 3XL, Pixel 4a ва Pixel 3. Шунингдек, Sony Xperia

XA2 Plus, Sony Xperia XZ1 Compact ва OnePlus 6 смартфонларини ҳам ушбу рўйхатда учратасиз.

ДУНЁДАГИ ЭНГ АРЗОН ЭЛЕКТРОМОБИЛ

Хитойда дунёдаги энг арзон ва ихчам электромобиллардан бири Wuling Hongguang Mini EV Gameboyнинг сотуви бошланди. Автомобилнинг нархи тахминан 8800-11000 долларни ташкил қилиб, бу шерикларга қараганда анча пастдир.




Электромобилнинг ички қисми автомобил корпусига ранглар уйғунлиги билан мослаштирилган ва стандарт 4 томонлама созулган олд ўриндиқларга эга.

Асбоблар панелида 7 дюймли рангли LCD панел, шунингдек, кондиционер ва автомобил магнитофони бор. Орқани кўриш ойнаси ва камераси билан ҳам жиҳозланган.

Двигатели 30 кВт қувватга эга. 200 километр ёки 300 километр масофани танлаш имконияти бор. Батареяси чанг ва сувга чидамли бўлиб, иситиш ва ақли изоляция функциялари мавжуд.

Халқаро ҳаёт

ЖАҲОНДА КОРОНАВИРУС БИЛАН КАСАЛЛАНИШЛАР СОНИ 500 МИЛЛИОНДАН ОШДИ



Worldometer маълумотида кўра, 2022 йилнинг 12 апрелига келиб, коронавирус пандемияси бошланганидан буён жаҳонда вирус билан касалланишлар сони 500 097 001 тага етди.

Коронавирус пандемияси даврида 6 206 648 киши ҳаётдан кўз юмди.

Касалланишлар жами сони энг юқори мамлакатлар: АҚШ (+82 млн.), Ҳиндистон(+43 млн.), Бразилия (+30 млн.).

Кунлик касалланиш ҳолатлари юқори мамлакатлар (кечаги маълумот): Германия (92 639), Жанубий Корея (90 928), Япония (47 876), Австралия (42 726).

Ковид оқибатида ўлим ҳолатлари энг кўп кузатилган мамлакатлар: АҚШ (1 012 461), Бразилия (661 389), Ҳиндистон(521 723).

ФРАНЦИЯДА ПРЕЗИДЕНТ САЙЛОВИ: ФОЛИБ ИККИНЧИ ТУРДА АНИҚЛАНАДИ

Францияда 10 апрел санасида мамлакат президентлиги учун сайлов ўтказилди.

Ҳеч бир номзод 50 фоиздан кўп овоз тўпламагани учун сайловнинг иккинчи босқичи ўтказилади. Бошқалардан кўпроқ овоз тўплаган амалдаги президент — Эммануэл Макрон (27,6 фоиз) ва “Миллий бирдамлик” парти-

яси номзоди, парламент депутати Марин Ле Пен (23,4 фоиз) сайловнинг иккинчи босқичида ўзаро курашади.

Иккинчи тур 24 апрелга белгиланган.

АКАНИНГ ЎРНИГА УКА: ПОКИСТОНДА ЯНГИ БОШ ВАЗИР САЙЛАНДИ

Муҳолифатдаги Мусулмонлар лигаси партияси номзоди Шаҳбоз Шариф — Покистоннинг янги вазири бўлди.

Сайловда Шаҳбоз Шарифни 174 депутат ёқлаб овоз берди, “Тахриқи Инсоф” партиясидан номзод Шоҳ Маҳмуд Қурайшида эса битта ҳам овоз йўқ, чунки унинг партияси овоз бериш жараёнига бойкот эълон қилиб, парламент таркибини тарк этганди. Ушбу партия Миллий ассамблея (қуёи палата)да 342 тадан 155 та ўрин эгаси эди.

Янги бош вазир Шаҳбоз Шариф — кейинчалик қамалиб кетган тўрт карра бош вазир Навоз Шарифнинг укаси.

ҚОЗОҒИСТОН БУҒДОЙ ВА УН ЭКСПОРТИГА ЧЕКЛОВ КИРИТДИ



Қозоғистон дон ва ун экспортига чеклов киритади. Бу ҳақда Қозоғистон қишлоқ хўжалиги вазирининг биринчи ўринбосари Айдарбек Сапаров маълум қилди.

Таъкидланишича, Идоралараро комиссия

ички бозорда тақчиллик ҳамда ун тайёрлаш корхоналарига юклатиш тушишининг олдини олиш мақсадида 2022 йилнинг 15 апрелидан буғдой ва ун экспортига квоталар киритди. Квоталар: буғдой учун — 1 млн. тонна, ун учун — 300 минг тонна.

Сапаровнинг айтишича, Қозоғистонда ҳар йили 3 миллион тонна ун тайёрланади ва шунинг ярми экспортга кетаётгани.

СИФАТИ ПАСТ, АММО АРЗОН БЕНЗИН СОТИШГА РУХСАТ БЕРИЛДИ



12 апрел куни АҚШ президенти Жо Байден Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш агентлиги (Environmental Protection Agency, EPA) этанол таркиби 15 фоизгача (E15) бензинни сотишга рухсат берганини маълум қилди.

АҚШда 2011 йилдан бери фақат E10 (10 фоизгача этанолли) бензинни сотишга рухсат бор эди. Иссиқ кунларда ҳавода смог (заҳарли моддалар билан тўйинган тугун) ҳосил бўлишининг олдини олиш учун шундай қилинган.

Байден маъмурияти ҳисоб-китобларига қараганда, сифати паст, аммо E10 га нисбатан арзон бензиндан қуйган ҳайдовчилар ҳар галлондан (1 галлон — 3,78 литр) ўртача \$0,1 иқтисод қилишади, ёзмоқда The Wall Street Journal.

АҚШда бензиннинг ўртача нархи март ойида бир галлон учун \$4,3 гача чиқиб кетганди.

ОЗОД ЮРТНИНГ ОБОД БОЗОРИ


Мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг қўламли бунёдкорлик ишлари жараёнида миллий услубда ва барча шароитларга эга бозорларни барпо қилиш борасида ҳам изчил ишлар олиб борилмоқда. Бунинг натижасида шаҳар ва қишлоқларимиз кўрקה кўрк қўшилипти, яратилаётган қўлайликлар эса харидор ва сотувчиларнинг савдо хизмати ва маданиятини юксалтиришда катта ўрин тутмоқда. Бунга хизмат сафари билан Қорақалпоғистон Республикасининг Беруний туманида бўлганимизда, “Шоббоз деҳқон бозори” МЧЖ фаолияти билан яқиндан танишиш чоғида ҳам ишонч ҳосил қилдик.

– Президентимизнинг 2019 йил 27 мартдаги “2017–2019 йиллар даврида деҳқон бозорларини реконструкция қилиш ва уларнинг ҳудудида замонавий савдо мажмуалари қуриш дастурини тасдиқлаш тўғрисида”ги қарори фаолиятимизда муҳим аҳамият касб этди, – дейди деҳқон бозори раҳбари Мехробжон Мадияров. – Негаки, мазкур қарор ижросидан келиб чиқиб, туманимиз ҳоқими Атабек Сапарбоев бошчилигида бизнинг туманда ҳам мана шундай кенг имкониятларга эга савдо мажмуаларини қуриш, меъморий қиёфасини яхшилаш, замонавий савдо инфраструктурасини шакллантириш, умуман, бозор фаолиятини тубдан яхшилашга қаратилган амалий ишлар олиб борилмоқда. Натижада аҳолига кенг қўлайликлар яратиш, хизмат кўрсатиш сифати ва савиясини тубдан яхшилаш, юртдошларимиз савдо маданиятини, халқимиз турмуш фаровонлигини юксалтиришга қаратилган тизимли чора-тадбирлар ҳаётга татбиқ этилаётир.

Ҳа, бозорлар азалдан юрт кўрки сифатида эътироф этиб келинган. Уларнинг чиройи ва ободлиги маълум бир юрт одамларининг нозик диди ҳамда юксак маънавиятига, тўқин-соқинчилиги эса халқнинг турмуш фаровонлигига намуна қилинган. Шу сабабли халқимиз бу масканларни обод қилишга, саранжом-сарипталигига алоҳида эътибор қаратиб келган.

– Кўп йиллардан буён бозорда савдо билан шуғулланаман, – дейди тадбиркор Атиргул Машарипова. – Авваллари бу ердаги расталар ҳаминқадар, йўлаклар тора, айниқса, ёмғирли кунларда йўлакларнинг сув ва лой бўлиши сотувчи ва харидорларга қийинчиликлар туғдирарди. Ҳозирги шароит учун бозор маъмуриятдан мамнунмиз, савдо қилишимиз учун барча шарт-шароитлар мавжуд. Президентимиз томонидан тадбиркорликни ривожлантиришга қаратилган алоҳида эътибордан яна-да руҳлини фаолиятимизни давом эттиряпмиз.

“Шоббоз деҳқон бозори” МЧЖ корхонаси раҳбари Мехробжон Мадияров 1980 йил 13 апрелда Беруний туманидаги Марк маҳалласида туғилган. 2012 йилда Нукус давлат университетининг иқтисодийёт факультетини тамомлаган. Отаси Муҳаммаджон ака Беруний туманидаги обрўли ва эътиборли инсонлардан бири бўлиб, узоқ йиллар давомида тумандаги



Матлубот савдо жамияти раиси сифатида фаолият юритган. Онаси Ёқутжон опа уй бекаси сифатида бутун умрини фарзандлар тарбиясига бағишлаган самимий аёл. Улар фарзандлари Музаффар, Мехробжон, Юлдузхон ва Наргизани ёшлигидан билди олиб, эл-юрт қорига ярайдиган инсонлар қилиб тарбиялашга ҳаракат қилишди. Бу эзгу мақсад йўлидаги саъй-ҳаракатлар ўзининг натижасини берди: бугун уларнинг барчаси ўқимишли, туманда нуфузли лавозимларда фаолият олиб боришяпти. Уларнинг қирқ нафарга яқин набиралари бор.

– Ота-онам бизни ҳар доим ҳалолликка ўргатиб, тарбия қилган, – дейди суҳбатдошимиз. – Дарҳақиқат, ҳалолликда, аҳилликда гап кўп. Қувонарлиси, халқимиз ҳам аҳил ва иноқ. Бу, айниқса, пандемия шароитида яққол кўринди. Биз ҳам ушбу вазиятда бозоримизни янада тўқин қилиш мақсадида юртимизнинг турли ҳудудларидаги тадбиркорлар, деҳқонлар ва ишлаб чиқарувчилар билан изчил ҳамкорликни йўлга қўйдик. Бунинг натижасида ҳар бир корхона томонидан қишлоқ ҳўжалик маҳсулотларини етиштириш ҳамда сифатли тарзда етказиб бериш янада кенгайди. Айниқса, Ургут туманидан келтирилган оқ ва қора кишмишлар, ёнғоқ, нўхат, мош ва бошқа кўплаб маҳсулотлар расталаримизни обод қилмоқда. Бундай самарали ҳамкорликлар кенгайиши натижасида тадбиркорларнинг даромад манбаи кўпаймоқда, ўз навбатида, ишчилар учун қўшимча шароитлар яратилиб, уларни руҳлантиряпти.

Қаҳрамонимиз Мехробжон Мадияров туман депутати сифатида ҳам юрт фаровонлиги ва унинг тараққиёти йўлида ҳам жуда кўп хайрли ишларни амалга оширмоқда. 2012 йилда университетни тугатиб, “Беруний Файз” МЧЖда иш бошлади

ва 2018 йилгача бўлган давр мобайнида етарлича тажриба тўплади. 2018 йилдан “Шоббоз деҳқон бозори” МЧЖ раҳбари сифатида фаолият олиб бориляпти.

– Муҳтарам Президентимиз ташаббуси билан бозорларда ҳам жуда катта ҳажмдаги ишлар бажарилмоқда, – дейди суҳбатдошимиз. – Бугунги кунда юртимизда тадбиркорлик ривожига қаратилаётган эътибор ҳам ўзининг натижасини беряпти. Бозорда тадбиркорларга барча шарт-шароитларни яратиб, уларга яқиндан ёрдам беришга ҳаракат қилияпмиз. Илк бор бу ерда иш фаолиятини бошлаган кезларимизда 350 нафар тадбиркор учун савдо дўконларини қуриб ишга туширган эдик. Келажакда режаларимиз улкан, тадбиркорликни янада кенг йўлга қўйиш, инвестициялар киритиш, савдо комплексларини замон талабларига мос ривожлантириш борасида жуда кўплаб лойиҳаларни ишлаб чиққанмиз. Ана шундай лойиҳаларимиздан бири амалга ошса, яъни агарда чет элдан бир миллион долларлик инвестиция киритсак, яна 500 нафар тадбиркоримиз учун қўшимча савдо шохобчаларни ишга тушираемиз. Бозоримизда ёшлар учун ҳам шароитлар яратилган бўлиб, 23 нафарга яқин йигит-қиз доимий иш билан таъминланган. Улгуржи савдо ҳам йўлга қўйилган, 3,7 гектар ер майдонида турли маҳсулотлар учун алоҳида кенг, ёруғ павилионлар ажратилган.

Бозордаги мўл-қўлик, тартиб ва озодалиқдан кўнглингиз яйрайди. Бозор кечаю кундуз эл хизматида, нархлар ҳар доим назорат қилиб борилади. Бунда иқтисодчи Ғофур Юсуповнинг, иш юритувчи Муҳиддин Алламатов, назоратчилар Аҳмад Рўзиметов ва Шуҳрат Матюсуповнинг хизматлари, айниқса, катта.

Ойгул РАЗЗОҚОВА,
журналист

Илмий семинар

ОЛИМЛАР ТАТУ САМАРҚАНД ФИЛИАЛИДА ЙИГИЛДИ

Муҳаммад ал-Хоразмий номидаги Тошкент ахборот технологиялари университети Самарқанд филиалида “Замонавий ахборот, коммуникация технологиялари ва АТ-таълим татбиқи муаммолари” мавзусида республика илмий-амалий анжумани бўлиб ўтди. Уни филиал директори Зайниддин Қаршиев олиб борди.

Анжуманда Самарқанд давлат университети профессори Облокул Қувондиқов “Янги Ўзбекистонда учинчи ренессанс шакллантиришда олимларнинг ўрни”, ТАТУ профессори, техника фанлари доктори Марат Раҳматуллаев “Повышение эффективности поиска информационных ресурсов на основе инфлюентного анализа”, ТАТУ кафедраси мудири, техника фанлари доктори, профессор Баҳодир Мўминов “Алгоритмлар самардорлигини таҳлил қилиш ва таққослаш”, шунингдек, Жанубий Корея Республикаси Конкук университети докторантураси битирувчиси, ТАТУ Самарқанд филиали доценти, техника фанлари бўйича фалсафа доктори Аббор Бўрибоев “Internal and external frontier based algorithm for autonomous mobile robot exploration in unknown environment”, филиал ўқитувчиси, мустақил тадқиқотчи Нигора Нарзуллаева “Численное исследование процесса распространения активных аэрозольных частиц в пограничном слое атмосферы” каби мавзуларда маърузалар қилдилар.

Маърузачилар, асосан, биринчи ва иккинчи ренессанс даври бутун дунё миқёсида, айниқса, Ўрта Осиёда яшаб ижод қилган замондошларимизнинг тутган ўрни, уларнинг илмий даражада олиб борган янгиликлари, учинчи ренессанс шакллантиришда бугунги олимларнинг олиб бораётган илмий ишлари ва янгиликларига алоҳида тўхтади. Шунингдек, олимларимиз томонидан чет эл илмий журналларида чоп этилаётган илмий мақолалар салоҳияти тўғрисида батафсил маълумотлар тақдим этилди.

Шундан сўнг “Дастурий таъминот ва мобил иловалари технологиялари”, “Замонавий ахборот-коммуникация технологиялари ва уларнинг амалиётда қўлланилиши”, “Телекоммуникация тизимлари ва тармоқларини бошқариш тамойиллари”, “Ахборот хавфсизлигининг назарий ва амалий асослари”, “Компютерли моделлаштиришнинг математик усуллари”, “Интеллектуал бошқариш тизимларини яратиш”, “Таълимда ахборот ва инновация технологияларнинг қўлланилиши”, “Информацион жамиятни шакллантиришнинг ижтимоий-фалсафий муаммолари”, “Хорижий тилларни ўрганишда ахборот технологияларнинг ўрни” каби мавзулар шўъбаларга бўлинган ҳолда муҳокама қилинди.

Шуни таъкидлаш жоизки, конференцияга атоқли олимларнинг ташрифи билан бир қаторда, Украинанинг Запорожье давлат университети, Қозоғистон ва Россия олимлари ҳамда ТАТУнинг барча филиалларидан юборилган 400дан ортиқ мақолалардан 275таси танлаб тақдим этилди.

Абдуғафур ҲОТАМОВ,
ТАТУ Самарқанд филиали доценти

..... ЭЪЛОН!

Адолат Хабибуллаевна Шерматова (Юлдашева)га 1998 йилда Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазирлигининг тиббиёт билим юрти томонидан берилган 263227 рақамли Диплом йўқолганлиги сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

ЯХШИЛИК ВА ЭЗГУЛИК ТАРАННУМИ

“Ўзбектелеком” АК ҳамда “Ўзбекистон почтаси” АЖ филиалларида маънавий-маърифий тадбирлар ишлаб чиқариш билан уйғунликда олиб бориляпти. Бу фаолият тизимли равишда йил бошида Президент қарорлари асосида тузилган махсус режа асосида амалга ошириб келинмоқда.

Жорий йилги маънавий-маърифий ишлар режаси Президентнинг 2021 йил 26 мартдаги “Маънавий-маърифий ишларни тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 5040-қарори асосида ишлаб чиқилди. Муддао шуки, алоқачилар ўрта-сида фаол фуқаролик позициясини ва жамиятда миллий ва умуминсоний қадриятларга асосланган демократик тамойилларни қарор топтиришди. Токи ҳар бир алоқачи ва унинг оиласи аъзолари мамлакатимиздаги сиёсий, иқтисодий, ижтимоий, маънавий-маърифий ислохотларнинг мазмун-моҳиятини теран тушуниб етсин. Жамият ҳаётида фаол иштирок этсин.

Бу йилги иш режасида белгиланган маънавий-маърифий ишлар ҳам анъанага биноан ёдда қоладиган даражада ташкил этилмоқда. 14 январь – Ватан ҳимоячилари куну, буюк шоир ва давлат арбоби Алишер Навоий таваллудининг 581 йиллиги, шоҳ ва шоир, улуғ саркарда Заҳириддин Муҳаммад Бобур таваллудининг 539 йиллигига бағишланган тадбирлар ана шулар жумласидандир. Ҳарбий офицерлар, таниқли олимлар ва шоирлар билан очиқ мулоқот тарзида ўтган тадбирлар ана Ватанга, адабиёт ва санъатга бўлган меҳру муҳаббатимизни кучайтиришга, ҳаётга янгича кўз билан қарашга, бир сўз билан айтганда, янгилашни ва ўзгаришларга қорлов бўлиб хизмат қиляпти. Ҳар бир алоқачининг маънавий дунёсини фазлу камолга давватлаб, бойитмоқда. Ҳаётимизнинг ажралмас қисми – маънавият, яхшилик ва эзгулик тараннумисиз умримиз маънисиз бўлиб қолади. Саъй-ҳаракатларнинг барчаси шу Ўзбекистон — менинг Ватаним, унинг тараққиётига ҳисса қўшиб яшаш бурчимдир, деган авлодни камолга етказишга йўналтирилгандир.

Ўн бешинчи асрда Соҳибқирон Амир Темур асос солган теурийлар салтанатида ҳам ватанпарварлик туйғуларини улуғлаш, адолатсизликларнинг, зулмнинг олдини олишга, илм, санъат ва адабиёт раванқига энг долзарб вазифа сифатида қаралган. Ва аниқки, теурийлар салтанатининг кудрати ҳам ана шунда бўлган. Муносиб авлодлари салтанатнинг бу борадаги илмпарварлик, ижодпарварлик, санъатсеварлик ишларини давом эттирганлар. Бу узоқни кўзлаб қилинган эзгуликлар самараси қандай бўлганини тасаввур қилиб кўрингда. Худди ана шу ижтимоий сиёсат натижасида илмда Мирзо Улуғбек, ўзбек тили ва адабиётда Алишер Навоий феномени майдонга чиқди – Иккинчи Уйғониш – Ренессанс даври бошланиб кетди. Бу башарият тан олган



ҳақиқат ва шу боисдан ҳам Президентимиз Учинчи ренессанс пойдеворини аллома боларимиз ўтган шу муқаддас заминимизда куриш доирасида улуғ истиқболларга йўл очмоқда.

Соҳибқирон Амир Темур таваллудининг 686 йиллигига бағишланган тадбирда филология фанлари номзоди, доцент Набижон Солиев билан мулоқотда мавзунинг ана шу қирраларига урғу берилди. Иккинчи Уйғониш даври ва теурийлар феноменининг юзага келиш жараёнини изоҳлар экан, қатор исбот ва далилларни санаб ўтди ва ўзи олиб келган Иброҳим Мўминовнинг 1968 йилда нашр этилган “Амир Темурнинг ўрта Осиё тарихида тулган ўрни ва роли”, Турғун Файзиевнинг “Теурийлар шажараси”, “Мирзо Улуғбек авлодлари” китоблари ва “Теумур тузуклари” ҳақида атрофлича тушунчалар берди ва ўзининг таҳлиллари, кузатишлари борасидаги хулосалар билан ўртоқлашди. Буюк саркарда ва давлат арбоби бўлган Амир Темур сиймоси, теурийлар даври тарихи ҳақида ижод қилиб келаётган олимлар ва адиблар яратган асарларни таърифлаб, бу китобларни ўқишнинг аҳамиятига тўхталиди.

Маърузачи таъкидлаганидек, маънавияти юксак шахсларни тарбиялашни ўзимиздан бошлашимиз лозим. Қўлимизга китоб олмай, китоб ўқи, дейишдан, ўзимиз сидқидил меҳнат қилмай, астойдил меҳнат қил, дейишдан наф йўқ. Ҳар эзгу ишда, ҳар нафасда намуна бўлишгина самара беради. Солиҳ инсонларни элга қўшамиз. Шундай қилайликки, болаларимиз, невараларимиз жуда кичик ёшдан китоб ўқиш завқини туйсин. Бизни саволларга қўмиб ташласинлар ва биз уларнинг умид ва ишонч билан берган саволларига энг мақбул жавобларни берайликки, улар бизни эҳтиромласинлар ва бизга эргашсинлар.



Хафиза САЛҲОВА,
“Xabar”нинг Фарғона
вилоятидаги муҳбири

UNICON.UZда китоб ярмаркаси

АКТ вазирлигининг 2022 йил учун тасдиқланган “Йўл харитаси”га асосан, қолаверса, ходимларда китобхонлик маданиятини янада юксалтириш мақсадида “UNICON.UZ” ДУҚда китоб ярмаркаси ташкиллаштирилди. Ярмаркада “HILOL NASHR” нашриёти ўзининг матбаа маҳсулотлари ва бадий асарларини тақдим этди.



Корхона ходимлари ўзларига керакли нашрларни сотиб олишди. Айниқса, Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф шайх ҳазратларининг барча китоблари чегирма нархларда сотилгани уларга катта тўхфа бўлди.

 <p>MUASSIS: O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI AXBOROT TEXNOLOGIYALARI VA KOMMUNIKATSIYALARINI RIVOJLANTIRISH VAZIRLIGI</p> <p>Bosh muharrir: Abdug'ani ABDURAHMONOV</p>		<p>Tahrir Hay'ati: Sherzod SHERMATOV (Hay'at raisi), Nazirjon HASANOV, Kommuna IRISBEKOVA, Alisher FAYZULLAYEV, Lutfullo TURSUNOV (Bosh muharrir o'rinsbosari), Usmonjon YO'LDOSHEV (Mas'ul kotib).</p> <p>Tahririyatga kelgan qo'lyozma va suratlar egaloriga qaytarilmaydi. Muallifning fikrlari tahririyat fikridan farqlanishi mumkin. Nashrimizdan ko'chirib bosilganda "Xabar" dan olinganligi ko'rsatilishi shart</p> <p>Gazeta sahifalarini tayyorlashda internet materiallaridan ham foydalanildi. Bahosi kelishilgan narxda.</p>		<p>MANZILIMIZ: 100000 Toshkent shahri, Amir Temur 1-tor ko'chasi, 2-uy (Mo'ljal Oloy bozori). Telefonlar: 71-234-18-59, 71-234-18-31. Faks: 71-234-17-91. E-mail: info@xabar.uz</p> <p>Obuna indeksi — 228.</p> <p>Gazeta tahririyat kompyuter bazasida terildi va sahifalandi. Dizayner: Asliddin BO'RIYEV. Navbatchi: Solijon ZOIROV.</p> 									
<p>Gazeta O'zbekiston matbuot va axborot agentligi tomonidan 0016 raqami bilan 2013-yil 23-iyulda ro'yxatga olingan.</p>		<p>Gazeta haftaning juma kuni chiqadi</p>		<p>Gazeta "Sharq" nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi. Manzil: Toshkent shahri, Buyuk Turon ko'chasi 41-uy.</p>		<p>Г-459 sonli buyurtma. Ofset usulida bosildi. Qog'oz bichimi A-3, hajmi 2 bosma taboq. Adadi: 3165</p>		<p>ISSN 2010-6424</p> <p>Bosishga topshirildi — 17^{oo} Bosishga topshirish vaqti — 24^{oo}</p>					
<p>Viloyat muxbirlari:</p>		<p>Andijonda (74) 226-47-80</p>	<p>Buxoroda (99)854-7305</p>	<p>Jizzaxda (94) 199-95-64</p>	<p>Namanganda (91) 353-71-25</p>	<p>Navoiyda (79) 225-91-10</p>	<p>Nukusda 554-35-45</p>	<p>Samarqandda (91)557-84-44</p>	<p>Termizda (99)508-30-52</p>	<p>Toshkentda 234-18-59</p>	<p>Urganchda (97) 211-65-05</p>	<p>Farg'onada (73) 244-18-05</p>	<p>Qarshida (93)931-08-99</p>